*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 23 декабрь ● Сешанба ● № 56 (615) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

● *Адлия вазирлигида*

## Журналистлар мукофотланди

### "Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида" республика танлови якунланди

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА жорий йилнинг май ойида эълон қилинган "Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида" номли республика танловининг якуни чиқарилди ва ғолибларни мукофотлаш маросими ўтказилди.**

ЎТКАЗИЛГАН танловдан мақсад, мамлакатимизда амалдаги қонун ҳужжатларининг моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка оддий, содда, бир сўз билан айтганда, халқчил тилда тушунтириш, адлия идоралари томонидан фуқароларимиз ҳуқуқий маданиятини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида сифатли ёритиш, уларнинг мазмундорлигини оширишга қаратишдир.

**"Энг яхши телелавҳа"**, **"Энг яхши радиоэшиттириш**, **"Энг яхши мақола"** ва **"Энг яхши интернет материали"** йўналишларида ўтказилган танловга турли мулкчилик шаклларида фаолият кўрсатаётган 50 дан ортиқ телерадио ва босма нашрлар томонидан эълон қилинган теле ва радио лавҳалар, шунингдек, мақолалар тақдим этилганди.





Танлов комиссияси материалларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг моҳияти, қонун ҳужжатларини тарғиб этиш ва кенг жамоатчиликка уларнинг мақсадларини равон ва халқчил тилда етказиш мезонларига алоҳида аҳамият қаратди.

**Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси** ва Навоий вилояти Хотин-қизлар қўмитасининг нашри бўлмиш **"Тўмарис"** газетаси таҳририяти вакиллари ғолиб, деб топилди ва улар Адлия вазирлигининг **I даражали дипломи** ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

Шунингдек, Бухоро вилоятининг **"Коинот"** телевидениеси, Фарғона вилояти телерадиокомпанияси, **"Oriat-TRK"** жамоаси ҳамда **"Ўзбекистон овози"** ва **"Андижоннома"** газеталари таҳририяти вакиллари **II** ва **III даражали** дипломлар, қимматбаҳо совғаларга лойиқ топилди.

Биз мукофотга сазовор бўлган барча ҳамкасбларимизни қутлаймиз.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**





● *Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*



**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси йиғилишида "Ахлоқ тузатиш ишларининг жиноий жазо тури сифатида қўлланилиши самарадорлиги"ни ўрганиш бўйича ўтказилган назорат-таҳлил якунлари муҳокама этилди.**

## Назорат-таҳлил якунлари

### муҳокама этилди

Мазкур тадбирда Қонунчилик палатасининг депутатлари, суд, прокуратура ва ички ишлар идораларининг маъсул ходимлари, амалиётчилар, ҳуқуқшунос олимлар, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Қўмита мажлисида таъкидланганидек, маҳкумларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қўлланилиши натижасида, уни оиласидан, жамиятдан ва ижтимоий фойдали меҳнатдан ажратмаган ҳолда хулқ-атвори назорат остига олинади ва ахлоқан қайта тарбияланади. Энг муҳими, маҳкумнинг қарамоғида фарзандлари бўлса, улар ҳам ота-она назоратидан четда қолмайди. Шу сабабли жиноят содир этган шахсга бу жазо турининг тайинланиши жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатади.

Қонунда ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жиноий жазони одиллик принципларига риоя этган ҳолда тайинлаш ва бу жазо турини ижро этиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноятларнинг олдини олишда ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан самарали фойдаланиш учун зарур имкониятлар яратилган.

Назорат-таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, бу жазо турини тайинлаш, қонунда назарда тутилган тартибда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштиришда қонун талаблари ва одиллик мезонига риоя этилмоқда. Жазоларни ижро этиш инспекциялари ахлоқ тузатиш ишлари жазосини маҳкумлар томонидан қонун талаблари асосида ўташлари таъминланмоқда.

Қўмита йиғилишида жиноий жазо тури сифатида қўлланиладиган ахлоқ тузатиш ишларининг жиноятчиликни олдини олиш ва маҳкумларни қайта тарбиялашдаги ролини янада ошириш, бу жазо турини тайинлаш ҳамда ижро этиш билан боғлиқ муаммолар атрофлича муҳокама этилди.

Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш бўйича суд амалиётини янада такомиллаштириш, бу жазо турини ижро этиш борасида ички ишлар органлари фаолиятини ва уларнинг бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини янада яхшилаш, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкумлар ўртасида рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш ва тарбиявий ишларнинг савиясини ошириш, ахлоқ тузатиш ишлари самарадорлигини ўрганиш билан боғлиқ чуқур илмий тадқиқот ишлари ўтказиш, шунингдек, бу жазо турининг ижро этилиши устидан прокурор назоратини кучайтиришга йўналтирилган тавсиялар берилди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси**

## Суд қарорлари ижроси

### такомиллашуви ислоҳотларнинг таркибий қисми

**ҚОНУНЧИЛИК ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда Юристлар малакасини ошириш марказида малака ошираётган суд ижрочиларининг бир гуруҳи иштирок этишди. Мазкур учрашув "Суд қарорларининг ижро этилишини такомиллаштириш — суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг таркибий қисми" мавзуига бағишланди.**

2 →

# МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

## Ундириш чоралари кўрилмоқда

**"ОЗОДЛИК" ОАЖ директори С.Погодаевнинг Тошкент вилояти хўжалик суди томонидан 2006 йил 5 майда чиқарилган қарздор "Даукт" ОТҲЖдан жамият фойдасига 45.676.274 сўм ундириш ҳақидаги қарори ижроси юзасидан аризаси кўриб чиқилди.**

Айни чоғда Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди ҳузуридаги суд ҳужжатлари ижросини назорат қилувчи ишчи гуруҳи томонидан мазкур ижро ҳужжати "Пахтабанк"нинг Нукус шаҳар бўлими ижросида бўлган вақтда банк "Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб варақаларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талаблари бажарилмаганлиги аниқланиб, маъмуриятга нисбатан ундирилиши лозим бўлган сумманинг эллик фоизи миқдорида жарима жазоси қўлланилган.

Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг банкдаги ҳисоб рақами хатланиб, унинг 2 миллион сўм маблағи "Озодлик" ОАЖ фойдасига ундирилган. Қолган қарзни ундириш мақсадида ҳозирда "Даукт" ОТҲЖга тегишли "СКД-6" русумли комбайн, "Т-4" ва "Т-28" русумли тракторлар, 1 дона "Пентиум" русумли компьютер ва жамиятнинг маъмурий биноси хатланиб тегишли тартибда баҳоланиб, уларни сотиш чоралари кўрилмоқда.

**М.МИРСОЛИХОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи**

## Терговолди текшириши олиб борилмоқда

**СУРХОНДАРЁ вилояти прокуратураси томонидан Сариосиё тумани, "Тоқчиён" қишлоқ фуқаролар йиғини, "Маданият" маҳалласида яшовчи фуқаро Мурод Боймуродовнинг "Инсон ва қонун" газетаси таҳририятига "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шарофиддин Тоғаев ва бошқалар томонидан фуқароларга моддий ёрдам ва нафақа пуллари тайинлашда ҳамда ун ва ёғ маҳсулотларини тарқатишда қонун талабларига риоя қилинмаётганлиги ҳақида ёзган аризаси ўрганиб чиқилди.**

Аризада қайд этилган ҳолатлар юзасидан Сариосиё тумани прокуратураси томонидан текшириш ҳаракатлари олиб борилиб, натижасига кўра, охирги маротаба 2008 йил 10 ноябрь куни Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси, 2-бандига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Мазкур қарорнинг қонунийлиги вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, қарор барвақт қабул қилинганлиги сабабли, 2008 йил 11 ноябрь куни бекор қилинди ва ҳозирги кунда терговолди текшириш ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**А.НИЯЗОВ,**
**Сурхондарё вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси**

**ТЎРТКЎЛ ШАҲРИ, Тўрткўл кўчаси, 3-уй, 3-хонадонда яшовчи фуқаро Г.Эгамбердиеванинг мурожаати юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси текшириш ўтказди.**

## Иш ҳақи тўланди

Текшириш натижасида фуқаро Г.Эгамбердиеванинг Тўрткўл тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 22-сонли умумтаълим мактаби кутубхоначиси бўлиб ишлаган 2008 йил июлдаги 3 кунлик иш ҳақи — 8957 сўм ва август ойидаги 73797 сўмлик иш ҳақи тўлиқ тўланишига эришилди.

**М.ХАЛМУРАТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ прокуратураси томонидан фуқаро О.Холматованинг шикоят аризаси кўриб чиқилди.**

## Протест келтирилди

Унинг натижаларга кўра, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 25 июндаги даъвогар И.Жўрабекованинг О.Холматова ва бошқаларга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги ажримини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун шу инстанция судига юбориш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди Раёсатига назорат тартибида протест келтирилди.

**Б.ХЎЖАЕВ,**
**Тошкент вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси**

## Лавозимида қолдирилди

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ, Хива тумани, Янгиобод посёлкаси, Найман кўчаси, 44-уйда яшовчи М.Иноятованинг таҳририятга иш билан таъминлаш тўғрисида ёзган аризаси Халқ таълими вазирлиги ва вилоят халқ таълими бошқармаси масъул ходимлари томонидан ўрганилди.**

Аниқланишича, Меҳрибон Иноятова 2006 йилда Хива педагогика касб-ҳунар коллежини ички ишлар бўлими ходими, иш юритувчи, кадрлар бўйича назоратчи ихтисослиги бўйича тамомлаб, шу йилдан Хива туманидаги 11-сонли мактабга "Конституция оламига саёҳат" фани ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилинган.

Мактаб маъмурияти М.Иноятовани номутахассислиги сабабли ўз фаолиятига доир малакали диплом олиш учун ўқишга кириши лозимлиги ҳақида бир неча бор огоҳлантириб, шартли равишда вазифасида қолдириб келган.

М.Иноятова 2008 йилда махсус сиртқи бўлимга ўқишга ҳужжат топшириб, тест синовларидан ўта олмаган.

Хива тумани халқ таълими бўлими мазкур масала юзасидан М.Иноятовага 2008 йил 24 октябрда 09-сонли хат билан тушунтириш бериб, вилоят халқ таълими бошқармаси розилиги билан мактаб маъмурияти 2008-2009 ўқув йили бўйича мутахассис етишмаслиги сабабли, яна бир йил ишлаш шарти билан шартнома тузиб, уни ўз лавозимида қолдирган.

**У.МУСАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари**

## «Обуна — 2009»

### БУХОРО, АНДИЖОН ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ

### ҳудудий адлия бошқармалари газета обунасида фаол иштирок этмоқда!



*Бугунги ўқувчи ўзига маънавий озуқа берадиган, идрокини кенгайтирадиган, жамият, давр ҳодисаларини тўлақонли талқин қила биладиган нашрни танлайди. Лўнда қилиб айтганда, газетхон ўзига фойдаси тегадиган газетани танлайди.*

*"Инсон ва қонун" барча соҳалардаги муаммо ва масалалар, ўқувчини қизиқтирган ҳуқуқий саволларга ечим излайдиган ҳуқуқий-тарғибот минбаридир. Ёшу кекса, барчага баробар, аҳолининг барча қатламларига хосу мос мавзуларга ўрин ажратадиган нашрлардан биридир.*

*Ҳозирги кунда газетамизга вазирлик раҳбарияти кўмаги, вилоятлар ҳуқуқий адлия бошқармалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари саъй-ҳаракати, энг муҳими, кўп минг сонли ўқувчиларимиз хоҳиш-истаги билан обуна қизғин давом этаяпти.*

*Нашр кўрсаткичимиз — 137*

● *I-Миллий фестиваль*

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "Radission Sas" меҳмонхонасида Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ижтимоий телерадиороликлар I-Миллий фестивали ўтказилди.**

# Вазирлик томонидан тайёрланган ролик ғолиб деб топилди



АВВАЛО ижтимоий ролик ҳақида: **ижтимоий ролик – қисқа, таъсирчан, давомийлиги 2 дақиқагача бўлган қисқа сюжетлар мавзуси, асосан, ҳаётдаги турли ижтимоий муаммоларга аҳоли эътиборини жалб қилиш, уларга ечим топишга ундашга қаратилади.**

Ушбу лойиҳа бўйича фестивалга 600 дан зиёд ижтимоий роликлар тайёрланди. Қувонарлиси, улар орасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган ижтимоий ролик ҳам алоҳида ғолибликни қўлга киритди.

Президентимизнинг **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган ушбу фестиваль доирасида ижтимоий видео ва аудио роликлар бешта номинация бўйича танлаб олинди. Булар **"Инсонпарварлик ва меҳр-мурувват"**, **"Инсон ҳуқуқлари муҳофазаси"**, **"Аҳолини паранда гриппининг салбий оқибатларидан огоҳ этиш"**, **"Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш"**, **"Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида аҳолини огоҳ этиш"** номинацияларидир.

Яъни "Инсон ҳуқуқлари муҳофазаси" номинацияси бўйича тақдим этилган 50 та ижтимоий телерадиороликлар йўналишида Адлия вазирлиги томонидан тақдим этилган ролик ҳакамлар ҳайъати томонидан 3-ўринга муносиб деб топилди ва 3-даражали диплом ҳамда қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Мазкур ижодий лойиҳа Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Жаҳон банки, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, БМТ Ривожланиш дастури ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар, "Олтин мерос", "Маҳалла" жамғармалари ҳомийлигида ҳамда Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Меҳр нури" хайрия жамғармаси, Бош прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Журналистлар ижодий уюшмаси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

● *Тадбир*

**МАЪЛУМКИ, "Ёшлар йили" Давлат дастури ижроси юзасидан Адлия вазирлигининг тармоқ дастури асосида "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси таҳририяти йил бошида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тарғиботига оид ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида "Конституция — менинг ҳаётимда!" деб номланган республика танловини эълон қилган эди. Яқинда танлов якунланди.**

# "Конституция — менинг ҳаётимда!" танлови ғолиблари тақдирландилар



ТАНЛОВГА тақдим этилган мақолалар Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси, Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти ҳамда марказий газеталар таҳририятлари вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилди.

**"Инсон ва қонун"** ҳуқуқий газетаси таҳририятида ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Тўрабек Тўраев танловни ўтказишдан мақсад, ёшлар орасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, шунингдек, конституциявий билимларни ўрганиш, унинг моҳиятини англашдан иборат эканлигини таъкидлади.

Танлов хулосаларига кўра, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультети талабаси **Мансур Жумабоев** 1-ўринга, Хатирчи туманидаги Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси **Улуғбек Бобоёров** ҳамда Гулистон академик лицейи талабаси **Ситора Барлибоева** 2-ўринга, Тошкент юридик коллежи талабалари **Сардорбек Ҳамроев** ҳамда **Бунёд Қодиров** 3-ўринга сазовор бўлди.



Тошкент шаҳридаги 260-мактаб ўқувчиси **Шоҳжаҳон Расулов**, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультети талабаси **Дилфуза Иргашева,** Тошкент Давлат юридик институти талабалари **Гулчеҳра Очилова** ҳамда **Маҳмуд Тўраев**лар ҳам мазкур танловда фаол иштирок этганлиги эътироф этилиб, Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

# Тизим тадбирлари

## Олий қадрият

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Конституцияси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида кўзда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг барчасини ўзида мужассам ифода этади. Ушбу эътироф Хоразм вилояти адлия бошқармаси ва Тошкент Тиббиёт академиясининг Урганч филиали томонидан уюштирилган илмий-амалий анжуманда яна бир бор қайд этилди.**

Ўзбекистон Конституциясининг халқчиллиги, демократия тамойилларини кенг ёйишда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ўрни ва роли, давлатимиз раҳбарининг **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**-ги Қарорида кўзда тутилган инсонпарварлик тамойиллари, ана шу жараёнларда ОАВнинг иштирокига оид маърузалар тингланди.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## Бола ҳуқуқлари

**БУХОРО ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси Ғиждувон тумани тиббиёт коллежида "Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — барчамизнинг бурчимиздир" шиори остида семинар ўтказди.**

Сўзга чиққанлар бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, қабул қилинаётган қонунлар ижроси ва мақсади, соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш усуллари, болаларнинг камолоти учун ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти, шунингдек, **"Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"**ги Қонун ҳақида фикр юритдилар.

Мазкур Қонуннинг халқаро ҳужжатлар билан уйғунлашганлиги, бола манфаатлари бўйича давлат сиёсатининг мақсадлари ва асосий йўналишлари белгиланганлиги, мансабдор шахсларнинг бола ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий онгини янада ошириш бугунги кун вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

**Маҳфуза НОРОВА,**
**Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими**

## Алоҳида таъкидланди

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ташаббуси билан Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлимида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан фаол ҳамкорлиги — кенг имкониятлар манбаидир" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Давра суҳбатида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, фермерлар ва тадбиркорларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида вилоятнинг чекка ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишни ташкил этиш, бу борада ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

**Қаҳрамон ҚАРШИБОЕВ,**
**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ходими**

## Комил фарзанд — миллат келажаги

**ЮРТБОШИМИЗ таъбири билан айтганда, болалар биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Бунинг учун эса ҳар бир ота-она фарзандлари тарбиясига жиддий масъулият билан ёндошиши, улар гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатлар ва турли носоғлом ғоялар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиши лозим.**

Бешариқ туманидаги 1-умумтаълим мактабида **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг мазмун-моҳиятига бағишланган ва "Гиёҳвандлик — хавфли иллат" мавзуида ўтказилган давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз борди.

Худди шундай тадбир туманнинг "Рапқон" қишлоқ фуқаролар йиғини ва Чорбоғ маҳалласида ҳам бўлиб ўтди.

**Нўъмонжон ХАЛИЛОВ,**
**Бешариқ тумани давлат нотариал идораси нотариуси**

## Улуғ қадрият

**АРНАСОЙ ТУМАНИДАГИ "Олтин водий" маҳалла фуқаролар йиғинида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси моҳиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг чиқишларида инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида фикрлар билдирилди.

Тадбир қизғин баҳс-мунозара ва ишчанлик руҳида ўтди.

**Саъдулло ТУРДИБОЕВ,**
**Арнасой тумани давлат нотариал идораси нотариуси**

## Кун тартибида — ҳуқуқий ҳимоя

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасининг саъй-ҳаракатлари ўлароқ вилоятдаги назорат қилувчи органлар ҳамда хорижий инвестициялар асосида фаолият юритувчи корхоналар вакиллари иштирокида Вазирлар Маҳкамасининг "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси ва унинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган масалалар юзасидан семинар-машғулот бўлиб ўтди.**

Вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг 1-ўринбосари Абдували Абдуллаев 2008 йил мобайнида вилоятда мазкур қарор юзасидан амалга оширилган ишлар ва мавжуд муаммолар, уларнинг ечими хусусида йиғилганларга батафсил сўзлаб берди.

Сўзга чиққанлар хорижий сармояни мамлакатга жалб этишни янада кучайтириш авваламбор янги иш ўринларини яратишда муҳим омил бўлишини таъкидлашди.

**Бахтиёр НАЗАРОВ,**
**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ходими**

● *Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

# Суд қарорлари ижроси такомиллашувиислоҳотларнинг таркибий қисми

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Президентимиз томонидан қабул қилинган 2006 йил 31 августдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ҳамда 2007 йил 1 ноябрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорлари ижро иши юритиш институтини ислоҳ этишда муҳим воқеа бўлди.

Бу ҳужжатларнинг алоҳида аҳамияти шундаки, Суд департаменти соҳасида бир қатор вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Суд департаменти ва унинг тузилмалари фаолиятини бевосита тартибга солувчи низомлар тасдиқланди. Суд ижрочиси лавозимига тайинлаш учун кадрларни танлов асосида саралаб олиш тартибининг қонуний асослари яратилди. Суд департаменти тузилмасида Ички хавфсизлик инспекцияси ташкил этилди.

Давлат бошлиғининг топшириғига кўра, 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб юридик йўналишдаги олий таълим муассасалари ўқув дастурларига ижро иши юритиш бўйича фан киритилди, шунингдек, мутахассисларни даврий равишда (ҳар беш йилда) Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида мажбурий ижро масалалари бўйича қайта тайёрлашни назарда тутган ҳолда замонавий талаблар ва андозалар асосида суд ижрочиларини тайёрлаш махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга татбиқ этилди.

Учрашув қатнашчилари Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланган **"Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонуннинг мажбурий ижро механизмини такомиллаштириш, суд ижрочиларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлигини кучайтириш, ижро ҳужжатларини қасддан ижро этмаганлик учун жавобгарликни кучайтириш, суд қарорларини ижро этиш жараёнида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам беришнинг самарали тизимини яратиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

**Гулчеҳра АБДУЛЛАЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

● *Одил судлов институти*

**КОНСТИТУЦИЯ ва қонунларнинг устунлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ташкил этилганлиги, шу жумладан, судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилганлиги, суд ишларини апелляция ва кассация инстанцияларида кўриб чиқиш институтлари жорий этилганлиги, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаси ва амалиётига мутаносиб равишда суд соҳасида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг самарали ва демократик механизми яратилганлиги ҳамда амалда жорий этилганлиги, суд қарорларини ижро этиш бўйича Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаментининг ташкил этилиши, унинг фаолияти такомиллаштирилаётганлиги демократик ислоҳотларнинг асосий омилидир.**

# Ислоҳот берган имконият

## Тадқиқот маркази зиммасидаги ишлар хусусида



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 январидан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилинганлиги ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилганлиги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Президентимиз томонидан 2008 йил 1 майда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ҳамда 2008 йил 23 июнда қабул қилинган **"Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича Тадқиқот маркази ташкил этиш тўғрисида"**ги Қарорининг амалиётга татбиқ этилиши суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олишни амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Янги ташкил этилган Тадқиқот маркази зиммасига суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқни қўллаш, суд амалиётини ўрганиш, жиноий, маъмурий жазолар тизимини янада либераллаштириш, суд ишларини юритишни демократлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд фаолиятига аралашиш ҳолларига барҳам бериш, суд фаолияти соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларини ва нормаларини чуқур ўрганиш ҳамда миллий қонунчиликка татбиқ этиш, одил судловни амалга ошириш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган ўта муҳим ва долзарб вазифалар юкланган.

Президентимизнинг 2006 йил 17 мартдаги **"Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"**ги Фармонида суд ҳокимияти мустақиллигини кучайтириш, судьялар захирасини шакллантириш, номзодларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш асосларини янада демократлаштириш, судьялар корпуси барқарорлигини таъминлаш, судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини ташкил қилишни тубдан ўзгартиришнинг янгича тартиб ва қоидалари белгилаб берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг жадал ривожланиши Конституция ва қонун устунлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

**Умиджон ГИЯЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эксперти**

# Ҳакамлик битими

## ишни ҳакамлик судида ҳал этишнинг биринчи босқичи

**НИЗОЛАРНИ Ҳакамлик судида кўриш бу жараёнда тарафларни учраштириш ва низоларнинг олдини олишга қодир бўлган энг мақбул усулдир. Шу сабабли низолар Ҳакамлик судида кўриш мумкинлигини аниқлаш битимлар ҳуқуқий таъминланиши учун жуда муҳим аҳамиятга эга.**

НИЗОЛАРНИНГ кимга қарашлилигини аниқ белгилаш, мажбуриятларни бажаришнинг маълум кафолатларини яратиш низолашувчи тарафлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўзаро фойдали асосда ривожлантиришга кўмаклашмоғи лозим.

Суд таркиби томонидан низолашувчи тарафларнинг ҳакамлик ёки арбитраж битими шартлари кўриладиган Ҳакамлик суди тўғрисидаги битимини тадқиқ этиб, сўнг шу асосда ҳуқуқий баҳо бериши, низони Ҳакамлик судида кўриш учун жуда муҳим шарт ҳисобланади.

Бундай битимнинг тузилиши тарафлар ўртасида чиққан ёки келгусида чиқиши мумкин бўлган низо кўриб чиқиш учун улар танлаган Ҳакамлик судига топширилишини билдиради. Бу битим тарафлар учун мажбурий бўлиб, улар низони Ҳакамлик судига топширишдан бўйин товлай олмайдилар.

Битимнинг аҳамияти шундаки, у муайян Ҳакамлик судининг ваколатини ва судда кўриш процедурасини белгилайдиган асосий ҳужжатдир. Бундай битим бўлмаса, низони Ҳакамлик судида кўриб бўлмайди. Бундан ташқари, ваколатли давлат суди зарур бўлган ҳолатда бундай қарор юзасидан ижро варақаси беришдан бош тортади.

Ҳакамлик битими шартнома тузиш чоғида тарафлар унга тахминан бундай мазмундаги бандни киритишларини билдиради: **"Ушбу шартномадан келиб чиқадиган ёки унинг бузилиши, тўхтатилиши, ҳақиқий эмаслигига боғлиқ барча низолар, келишмовчиликлар, талаблар (арбитраж ёки Ҳакамлик судининг аниқ номи кўрсатилади) унинг регламентига мувофиқ узил-кесил ҳал қилинади"**.

Жаҳондаги энг кекса арбитраж органларидан бири — Лондондаги халқаро ҳакамлик суди (LCIA) низонинг айни шу судда кўрилишини хоҳлаган халқаро контракт тузаётган тарафларга арбитраж шартининг қуйидаги тарзда бўлишини тавсия этади: "Ушбу контракт бўйича ёки унга боғлиқ ҳолда чиқадиган ҳар қандай низо, шу жумладан, унинг ҳақиқатда мавжудлиги ёки тўхатилиши хусусидаги ҳар қандай масалани Лондон Халқаро Ҳакамлик суди Регламентига мувофиқ кўриш ва узил-кесил ҳал қилиш учун арбитражга топширилади, бу регламент номи келтирилгани натижасида у шартнинг бир қисми ҳисобланади".

Кўп ҳолларда тарафлар шартнома тузиш чоғида арбитраж шартлари хусусида хатога йўл қўядилар ва бу кейинчалик турли муаммолар чиқишига олиб келади.

Низони кўриб чиқишни Ҳакамлик судига топшириш тўғрисидаги битим Ҳакамлик суди ишни кўриб чиқиш учун қабул қилишининг мажбурий шартидир.

Ҳакамлик судининг низо сабаби бўлган шартномани ҳақиқий эмас, деб эътироф этиши низони ҳакамлик судига бериш тўғрисидаги битимни ҳақиқий эмас, деб ҳисоблашига асос бўлмайди.

Бундай битим ёзма шаклда шартномадаги ҳакамлик писандаси тарзида ёки алоҳида битим тарзида тузилади. Битим мазмунига аниқ талаблар йўқ, лекин унинг матнида низоларни Ҳакамлик судига бериш тўғрисидаги иродаси акс этган бўлиши лозим.

Бизнинг мамлакатимизда асосан ҳакамлик битимининг ёзма шакли учрайди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, юридик шахсларга, якка тартибдаги тадбиркорларга ва жисмоний шахсларга уларнинг бузилган ҳуқуқларини ёки қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳакамлик муҳокамаси орқали ҳимоя қилиш билан боғлиқ маслаҳатлар бериш, ёзма ҳакамлик битимлари ёрдамида амалга оширилади.

**Ирода МАҲМУДОВА,**
**ТДЮИ магистранти**

● *Илмий-амалий қўлланма*

# “ЯНГИ ҚОНУНЛАР МОҲИЯТИ”

## китоби нашрдан чиқди

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти илмий ходимлари томонидан икки палатали парламент шароитида қабул қилинган муҳим қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш мақсадида илк маротаба “Янги қонунлар моҳияти”, “Сущность новых законов” номли илмий-амалий қўлланма нашр этилди.**

У 7 та бобдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи ҳамда ўн тўртинчи ялпи мажлисларида маъқулланган қонунларнинг мазмун ва моҳиятига бағишланган таҳлилий мақолаларни ўз ичига олган.

Биринчи бобда Сенатнинг VIII ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар моҳиятига бағишланган уй-жой мулкдорлари ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг кафолатлари, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши, давлат божхона хизматига оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ва мамлакатимизда бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни амалга ошириш кафолатлари, фуқаролик жамияти институтларининг қонуний кафолати ва ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилашнинг ҳуқуқий асослари мавзуларидаги мақолалар ўрин олган бўлса, иккинчи бобда Сенатнинг IX ялпи мажлисида маъқулланган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг аҳамияти ва асосий йўналишлари, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартиби ва асослари, никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг асослари, йўл ҳаракати хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш, ҳисоб палатасининг кўрсатмаларини бажармаслик учун жавобгарлик, йод етишмаслиги касаллиги профилактикасининг ҳуқуқий асослари, “Ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуннинг аҳамияти, зарурияти ва моҳияти, мулк дахлсизлигининг қонуний кафолатлари, истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари ҳамда транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ масалалар тизимли ёритиб берилган.

Учинчи бобда эса Сенатнинг X ялпи мажлисида маъқулланган “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг асосий йўналишлари, Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш тартибини такомиллаштиришнинг айрим масалалари, ҳакамлик судларининг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда тутган ўрни ва аҳамияти, “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”ги 222-II-сонли Қарорнинг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг моҳияти, “Содиқ хизматлари учун” медалини таъсис этишнинг қонунчилик асослари, иқтисодий соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари хусусидаги қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилади.




Ва кейинги боблар ҳам шу тартибда давом этиб, кўпгина қонунлар моҳияти ва аҳамияти оддий халқ тушунадиган тарзда равон ва батафсил очиб берилган.

Ушбу қўлланма янги қонунларни тарғиб қилишда, унинг мазмунини аҳолига айниқса, ёшларга етказишда, қолаверса, барча соҳалардаги ислоҳотлар ва демократик янгиланишларнинг ҳуқуқий асосларини теран англашга ёрдам беради.

Янги қонунлар моҳиятини идрок этиш ўз навбатида, юксак ҳуқуқий тафаккурга эга бўлган жамият аъзоларини тарбиялашда, инсон ва жамият фаровонлигини таъминлашнинг қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари,**
**Олим ҚОДИРОВ,**
**етакчи илмий ходим**

● *Ижтимоий ҳимоя*

# Кўнгил сўраш — савоб иш..

**КЎНГИЛ СЎРАШ, оқибатли бўлиш, эҳтиёжмандга мурувват кўрсатиш халқимизга хос хайрли фазилат. Зеро, жамиятимизда ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган, кўнгли ярим инсонлар, ижтимоий муҳофазага муҳтожларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинади.**

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Сирғали туманидаги "Рихсибой" хусусий кафесида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — бир гуруҳ ногиронлар, ёлғиз кексаларга ҳомийлар томонидан хайрия дастурхони ёзилди. Жумладан, уларга туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан 5 та ногиронлар аравачаси, 2 та эшитиш мосламаси, 5 та қўлтиқ таёқ ва бошқа совғалар ҳадя этилди.

— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами турмуш тарзини ўрганиш ва яқиндан билиш жуда муҳим, — дейди туман ижтимоий таъминот бўлими мудирининг ўринбосари Людмила Антоненко. — Қолаверса, ўзбек халқининг азалий миллий қадриятларидан бири ҳам саҳоватпешаликдир...

Дарвоқе, меҳр-шафқат ва мададга муҳтожларга мурувват кўрсатиш, шикаста кўнгилларга шодлик улашиш савоб иш. Уни ҳар бир киши, ҳар куни қилмоғи иймондир.

**Саида САЙХУН**



**Суратда: туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари Людмила Антоненко ва Муборак Содиқовалар тадбир қатнашчилари билан.**
**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат**

*28 январда Миллий авиакомпания ташкил топганига 17 йил тўлади*

UZBEKISTAN airways




**Пасайтирилган тарифлар бўйича авиачипталар фақатгина 2008 йил 22 декабрдан 2009 йил 31 январгача сотилади.**

**«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ўзининг 17 йиллиги шарафига 1 январдан 31 мартгача бажариладиган**

**МДҲ ШАҲАРЛАРИ ҚАТНОВЛАРИГА**

17 ЙИЛ — 17 %

авиачипталар нархининг пасайтирилганлигини эълон қилади

**Шошилинг! Чипталар сони чекланган!**

Жадвал, жойларнинг мавжудлиги ва тарифлар тўғрисида маълумотлар - (998-71) 140-02-00

www. uzairways. com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!»

2003 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган «Тонг» нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 13 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 551-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас, деб топилсин.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2008 йил 5 ноябрдаги йиғилиш қарорига асосан Тошкент вилояти адвокатлар ҳайъати 2-сон ҳуқуқий маслаҳатхона адвокати Ҳакимова Зульфия Шойиеванинг Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2001 йил 5 сентябрда TS 000351 серия рақамидаги адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

**ЭЪЛОН!**

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги 1-сон Элликқала туман давлат нотариал идораси нотариуси ва Тахиаташ шаҳар хусусий амалиёти билан шуғулланувчи нотариус лавозимига;**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси Зарафшон шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига қайта**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*
*7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*
*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига ва Навоий вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.**

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги телефонлари: (8361) 223-15-82, 223-81-27**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси телфонлари: (8 436) 223-01-38, 223-93-95**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг Ишлар бошқармаси бошлиғи Иззат Юсуфжоновга падари бузруквори **ИСОҚЖОН ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бухоро вилояти адлия бошқармаси жамоаси бошқарма масъул ходими Ҳаёт Тоҳировга отаси **Ҳайит ТОЙИРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

● *Одамлар нега шикоят ёзадилар?*

**Таҳририятдан:**

**БИР ГУРУҲ фуқаролар бизга ариза билан мурожаат қилишди. Бир қараганда шикоятчилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилаётгандай туюлади. Бироқ воқеликни синчиклаб кузатсангиз, қонун доирасида ўргансангиз вазият бошқача эканлигини англайсиз — фақат аризагўйлар талабларининг қондирилмаётганлигининг объектив сабаблари аризачиларга ўз вақтида ҳуқуқий асослар билан тушунтирилмаганлиги ёки аризачиларнинг буни тушунишни истамаётганига амин бўласиз.**

**Шикоятчиларнинг кетма-кет, узлуксиз қилган қўнғироқлари, гоҳида гинали гап-сўзлари бу ҳолатни матбуотга олиб чиқишимизга туртки бўлди. Очиғи, биз бирор-бир томоннинг манфаатини ҳимоя қилаётганимиз йўқ, ўртада туриб қозилик ҳам қилаётганимиз йўқ. Матбуот эркин сўз минбари. Фақат шикоятчилар туман ҳудудидан ўтиб республика идоралари эшигини тақиллатиши, анчайин оворагарчиликлар юзага келаётгани, бу масала туман мутасаддилари орқали ўз ечимини топмагани кишини ажаблантиради.**

ТАҲРИРИЯТИМИЗГА мурожаат қилган фуқаролар билан учрашганимизда улар “Хўжаабдужаббор” қишлоғида уй-жой қуриш борасидаги мурожаатлари туман раҳбарлари назаридан четда қолаётганини сўзлашди.

Уларнинг фикрича, қишлокдаги “Уста Рўзибой” кичик корхонасига 0,80 гектар ер 2002 йилда туман ҳокимининг қарори билан ажратилган. Кичик корхона раҳбари Қаролберди Худайназаров эса қарорда белгиланганидек, автомобиллар тўхташ жойи қуриш ўрнига бошқа мақсадларда фойдаланмоқда.

Рашид Назаров, Зокир Хуррамов, Назар Фармонов, Саломат Ёқубова, Гулвуш Рўзибоева ва Диёр Ортиқовлар билан суҳбатлашиб, фуқароларнинг юқори идораларга мурожаат қилишлари моҳиятини англагандай бўлдик. “Хумо” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мустафо Холиқов ҳам уларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаб, бу қишлоқда уй-жой қуриш учун 6 йилдан буён ер ажратилмаётганини баён этди. Раиснинг гапларига кўра, қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида “Кўктош”, “Районобод”, “Янгиобод”, “Пахтакор”,“Баҳористон” ва “Хўжаабдужаббор” қишлоқлари бўлиб, 19600 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Аризачилар “Уста Рўзибой” кичик корхонаси тасарруфидаги ноқонуний фойдаланиб келинаётган ердан уй-жой қуриш учун ажратилишини ёки бошқа жойдан ер берилишини сўрашмоқда.

Гап “Уста Рўзибой” кичик корхонаси ҳақида кетар экан, ҳақиқатан ҳам бу хўжалик

# Ким ҳақ, ким ноҳақ?




субъектига 2002 йилнинг 11 мартида туман ҳокимининг Х-246/5-сонли қарори билан 0,80 гектар суғориладиган ер майдони ажратилган. Айнан шу ерда у замонавий типда чўмилиш ҳавзаси, маиший хизмат кўрсатиш бинолари ҳамда автомобиллар тўхташ майдончаси қуриши зарур эди. Аммо 2002 йилдан то 2008 йилга қадар қарорнинг 1-бандида белгиланган иншоотлар барпо этилмади.

Бу ҳақда вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан Чироқчи тумани ҳокими номига тақдимнома киритилган. Мазкур бошқарма Чироқчи тумани прокурори номига маълумотнома киритиб, ушбу масала бўйича қонуний чора кўрилишини сўраган. Вилоят адлия бошқармаси “Уста Рўзибой” кичик корхонаси раҳбари Қаролберди Худайназаровга Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси, 6-банди талабларига риоя қилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси **“Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”**ги кодексининг 65-моддасига асосан маъмурий иш қўзғатишлик ва Чироқчи тумани ҳокимининг 2002 йил 11 май Х-246/5-сонли қарорини бекор қилишлик учун протест киритиш тўғрисида туман прокурорига таклиф киритди.

Натижада “Уста Рўзибой” кичик корхонаси раҳбари Қаролберди Худойназаров ердан ноқонуний фойдаланганi учун Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 65-моддаси, 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилди. Ер майдони эса “Уста Рўзибой” кичик корхонаси ҳисобида қолди. Фавқулодда жазодан кўзи очилган Худайназаров қурилишни бошлаб юборди. Буни кўрган аризагўй фуқаролар эса Худойназаров кўтарган девор билан янги қурилиши керак бўлган коллеж учун ажратилган ер майдони ўртасига шағал тўкиб, уй қурамиз, дея ноқонуний ҳаракатлар бошлаб юборишди.

Биз туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Зокир Бурхонов билан бу мавзуда суҳбатлашдик. Бироқ Бурхонов фуқароларга уй-жой учун ҳозирча ер ажратилмаслигини, агар 5-10 кишига ер берилса, бутун қишлоқ участка сўраб келиши мумкинлигини айтди. Муовин шуни таъкидладики, фуқаролар сўраётган ер коллежга қарашли. Шу йил 15 март куни ҳоким аризагўйларнинг мурожаатига жавоб бериб, уларга “Еттитом” қўрғонидан ер ажратишни ваъда берган.

Бу жавоб қишлоқ аҳлини қаноатлантирмаяпти экан. “Хўжаабдужаббор” қишлоғи ва “Еттитом” қўрғони орасидаги масофа 60-70 километр чиқаркан.

Хуллас, қўлимиздаги ариза ва унга юқори идоралардан келган жавоб хатларини ўқиб, кўнгилдан шундай фикрлар ўтади: Қайсики муаммо жойида ҳал этилса, ёхуд негизига етиб борилса, раҳбар халқ манфаатини кўпроқ ўйласа, ўша жойда ҳеч қачон аризабозлик пайдо бўлмайди. Аксинча одамлар арз қилиш ўрнига вақтини кўпроқ савобли ва хайрли ишларга сарф этади.

Бу борада эса Чироқчи тумани ҳокимлиги мутасаддиларининг муносабатлари ҳам бизни қизиқтираётганини айтиб ўтишни лозим топдик.

**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

**МАЪЛУМКИ, газетамиз ўз номи билан ҳуқуқий нашр ҳисобланади. Шунинг учун таҳририятга мактуб йўллаётган муштарийлар асосан бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклашда ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Уларнинг айримларини тегишлилиги бўйича мутасадди идоралар ҳукмига ҳавола этсак, баъзиларини саралаб, газета саҳифаларида эълон қиламиз. Ўйлаймизки, бугунги мактублар ҳам ўқувчиларимизни бефарқ қолдирмайди.**

# Уй олиб, уйсиз қолдик



**БИРИНЧИ МАКТУБ**

— Отам Расулов Одил 2003 йилнинг 22 июнида Қосимов Қодир исм-шарифли фуқародан Самарқанд шаҳар, Маҳмуд Қошғарий кўчасида жойлашган 11-уйни 12,500 АҚШ долларига сотиб олди. Қ.Қосимов отамга уй ҳужжатларини Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси томонидан имзоланган “ишончнома”га асосан 2003 йил 8 сентябрида Самарқанд шаҳар собиқ 1-сон Боғишамол туман давлат нотариал идораси “олди-сотди шартномаси” билан топширган. У “ишончнома” асосида барча олди-сотди ҳужжатларини ёлғиз ўзи расмийлаштирган.

Харид қилинган уй-жой яшашга яроқсиз бўлгани сабабли, отам ўз машинаси ва яшаб турган 5 хоналик квартирамизни сотиб, барча маблағни ҳовли-жойни таъмирлашга ишлатди. Қачонки, уй тўлиқ таъмирдан чиқиб, энди яшаймиз деганимизда ҳовли-жойимизга даъвогар – Аранбоев Нисон Илюшович исм-шарифли фуқаро пайдо бўлди. Даъвогар Н.Аранбоев уй аслида айни пайтда АҚШ фуқароси бўлган, 1993 йилда Ўзбекистондан кўчиб кетган Юрий Абрамовга 1991 йилда онаси Тамара Абрамова томонидан ҳадя шартномаси асосида тегишли эканлигини айтиб, уйни Қ.Қосимов бизга сохта шартнома асосида сотганини айтди. Ўзини Юрий Абрамовнинг ишончли вакили сифатида таништирди...

Ана шундан кейин бизнинг оворагарчиликларимиз бошланди.

2007 йилнинг 10 сентябрида фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди томонидан Ю.Абрамовнинг ишончли вакили – даъвогар Н.Аранбоевнинг даъво аризаси қаноатлантирилиб, жавобгарларга бошқа уй-жой берилмасдан М.Қошғарий кўчасидаги 11-уйдан кўчириш, бизнинг фойдамизга даъвогар Ю.Абрамов ҳисобидан 20 миллион сўм ундириш ҳақида қарор чиқарилди. Шундан сўнг биз апелляция инстанциясига мурожаат қилдик. Апелляция инстанциясида фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриб чиқиш учун фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судига ўтказилди. Фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро суди ҳам бизни уйдан чиқариш ҳақида қарор чиқарди. Қарорнинг иккинчи қисми эса кишини ҳайратга солади. Унга кўра, биз уй-жойни тиклаш, қайта қуриш учун сарфлаган маблағ – суднинг қарорига кўра бу гал 45 миллион сўм, деб белгиланган – уйни бизга сохта ҳужжатлар асосида сотган Қ.Қосимовдан ундирилиши белгиланган.

Энг қизиғи, Қ.Қосимов 2004 йил 28 сентябрь куни Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг ҳукми билан айнан М.Қошғарий кўчасидаги 11-уйнинг ҳужжатларини сохталаштиргани учун 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Наҳотки, ўз пешона теримиз билан топган маблағимизга уй-жой олиб, қурилиш қилиб, ҳам уй-жойсиз, ҳам қуруқ қўл билан қолиб кетаверсак?..

**Муҳиба АБДУЛЛАЕВА,**
**Самарқанд шаҳри**

**Агар Самарқанддан айнан шу мазмундаги иккинчи шикоят-аризани олмаганимизда, балки М.Абдуллеванинг мактубини ҳам тегишли идоралар эътиборига ҳавола қилган бўлардик. Келинг, бирон-бир хулоса чиқаришдан аввал иккинчи ариза билан ҳам танишиб чиқайлик. Ушбу мактубни бизга Самарқанд шаҳридан Назиржон Абдуллаев йўллаган.**

**ИККИНЧИ МАКТУБ**

— Мен Самарқанд шаҳар, Фирдавсий номли маҳалла 1-боши берк кўчада жойлашган 5-рақамли уйни 2005 йил 24 август куни Давронов Баҳодир исм-шарифли шахсдан ҳадя шартномаси асосида олдим. Ҳадя шартномаси ўша санада хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Т.Эшмановнинг идорасида расмийлаштирилди.

Б.Давронов ушбу уйни 1990 йилда Ш.Мирзаевадан оғзаки шартнома ва тилхат орқали, гувоҳлар иштирокида 8000 рублга сотиб олган экан.

Лекин мен уйни таъмирдан чиқариб, оилам билан кўчиб келиб яшай бошлаганимдан кейин даъвогар – Нисон Аранбоев исм-шарифли фуқаро пайдо бўлди. У қўлидаги – айни пайтда Исроил давлатида яшовчи – Ш.Мирзаеванинг ишончномасини кўрсатиб, уйни бўшатиб қўйишимизни талаб қилди. Албатта, биз унинг талабини бажармадик. Шундан сўнг у фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига мурожаат қилди. Ва шаҳар судининг 2006 йил 20 июндаги ҳал қилув қарори билан биз уйдан чиқарилиб, Н.И.Аранбоев уйга киритилди.

Суд жараёнида Ширин Мирзаеванинг низоли уйни ҳақиқатан ҳам Б.Даврновга 8000 минг рублга гувоҳлар иштирокида сотганлиги ҳақидаги тилхатнинг асли Ҳакамлик суди орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги суд-экспертиза марказида текширилиб, ҳақиқийлиги аниқланса-да, у далилий ашё сифатида ҳисобга олинмади...

**Аслиддин СУЮНОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

***Азиз ўқувчиларимиз энди эътибор беришган бўлса керак. Негадир икки ҳолатда ҳам бир фуқаро – Нисон Илюшевич Аранбоев даъвогар сифатида қатнашаяпти. Аризаларга айнан А.Аранбоев ишончли вакил сифатида қатнашган яна бир қатор низоли уй-жойлар хусусидаги фуқаролик ишлари бўйича суд ҳукмлари тиркалганки, уларга тўхталиб ўтиришни лозим топмадик.***

***Тўғри, биз суд қарорларини муҳокама қилиш фикридан йироқмиз. Қолаверса, бизга бундай ваколат ҳам берилмаган. Лекин айни ўринда кишини ўйлантириб қўядиган бир қатор изоҳталаб саволлар ҳам борки, уларга, албатта, жавоб топиш керак.***

***Умид қиламизки, қилни қирқ ёришга қодир ҳуқуқшуносларимиз муштарийларимизнинг барча саволларига жавоб олишларига ёрдам беришади.***

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Кўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Мустафаев Бўритош Мустафаевич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Раҳмонов Абдукамол Шодиевич, Матрасулов Давлатназар Раҳимбергановuч, Тўраев Тўра Эргашевич, Саидов Шокир Камолович, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич
Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Буюртма Г-1115. Тиражи — 11153. [t] — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50.
2 3 4 5 6 7 8